



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНА
ИНСТИТУТИ

ISSN 2181-5674

БИОЛОГИЯ ВА ТИББИЁТ МУАММОЛАРИ

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ЖУРНАЛ
№3.1 (103) 2018

**PROBLEMS OF
BIOLOGY AND MEDICINE**

улар миқдори 10^5 кл/г гача пасайган. Текширишлар шуни кўрсатадики атиги 75 % соғлом болаларда ичак микрофлорасининг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари меъёрга яқин, қолган 25 % болада эса аэроб ёки анаэроб флора танқислиги кузатилди.

«ҚУРУҚ ҚОН ТОМЧИ» УСУЛИНИНГ ОИВ-ИНФЕКЦИЯСИ ТАШХИСИДАГИ РОЛИ

Ёдгорова Н.Т., Жумамуродов С.Т., Мурадова И.А., Рахимжонов Г.А.

Тошкент тиббиёт академияси

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳар йили 4000 гача ОИВ ҳолати қайд қилинади. Республикада бугунги кунда 30000 нафар ОИВ-инфекцияси билан зарарланганлар яшаб келмоқда. Агар улар АРВТ олмасалар, ОИТС сабабли тез ҳалок бўлишлари мумкин. Ушбу мақолада ОИВ резистентлигини молекуляр-генетик текшириш мақсадида “қуруқ қон томчи” усулини диагностик самарадорлиги баҳоланди. Ишнинг мақсади. ОИВ резистентлигини молекуляр-генетик текшириш мақсадида “қуруқ қон томчи” усулини диагностик самарадорлигини баҳолаш. Материал ва усуллар. Тадқиқот олиб бориш учун Ўзбекистон Республикаси ССВ Вирусология ИТИ нинг ОИВ бўлимидаги ОИВ мусбат бўлган 52 нафар даволанаётган беморлардан қон олинди. Булардан 52 нафари “қуруқ қон томчи” усулда ва 52 нафари билан венасидан қон олиб ананавий усулда текширилди. Дориларга нисбатан резистентликни чақирувчи ОИВ генетик мутациясини аниқлаш мақсадида ўтказилган молекуляр-генетик анализ учун клиник ашёни йиғиш, сақлаш, транспортировка қилиш учун биринчи мартаба альтернатив усул “қуруқ қон томчи” (фильтр қоғоз, Whatman № 3, расм 1) фойдаланилди. Беморлардан альтернатив ва ананавий усулда йиғилган қон намуналари Ўзбекистон Республикаси ССВ Вирусология ИТИ нинг Референс лобораториясида текширилди. Шунингдек ПЗРда плазмани текшириш учун РНК ни ажратишда NucliSENS easyMAG тест системасидан, амплификация учун ПЗР-комплект вариант FRT тест системасидан ва Rotor-Gene 1.8.17.5 сериали анализатордан фойдаланилди. “Қуруқ қон томчи”ни текшириш учун плазмада вируслар юкломаси 1 мл қонда 1000 вирус нусхасидан кўп бўлган ОИВ инфекцияси билан зарарланган беморлар қони олинди (Приказ Росздравнадзора 12.10.12 №1897 пр112, Россия). РНК ни ажратиш учун “РИБО-преп” тест системасидан амплификация учун ПЗР-комплект вариант FRT тест системасидан ва Rotor-Gene 1.8.17.5 сериали анализатордан фойдаланилди. Олинган натижалар. Беморларнинг асосий қисмини ўрта ёшдагилар ва болалар ташкил этди. Умумий гуруҳдаги 0-5 ёшдаги беморлар 15.4/±5, 6-10 ёшдаги беморлар 53.8/±6.9, 11-15 ёшдаги беморлар 17.3/±5.2, 25-35 ёшдаги беморлар 13.5/±4.7 ни ташкил этди. Беморларнинг 24 нафарини (46.2%) эркаклар ташкил этса, 28 нафарини (53.8%) аёллар ташкил этди. АРВТ ўтқазилган олдин бемор қонида вируслар юкломасини текширилди. Олинган қон намуналарини “Қуруқ қон томчи” усулда ПЗР да текширилганда, 52 нафар бемордан 39 нафариди (75%) вируслар юкломаси юқори чиқди. 13 нафар (25%) беморда вируслар юкломаси кам чиқди. 10^3 даражасидаги вируслар юкломасида 13 нафар бемордан 7 тасида вируслар сони юқори чиқди. 10^4 даражасидаги вируслар юкломасида 24 нафар бемордан 19 тасида вируслар сони юқори чиқди. 10^5 даражасидаги вируслар юкломасида 13 нафар бемордан 11 тасида вируслар сони юқори чиқди. 10^6 даражасидаги вируслар юкломасида 2 нафар бемордан 2 тасида қондаги вируслар сони юқори чиқди. Хулоса қилиб айтсак, Вируслар юкломаси 1мл қонда 1000 вирус нусхаси бўлган намуналар альтернатив (қуруқ қон томчиси) усулда текширилганда сезувчанлиги -98,07% чиқди, махсуслиги 100% ташкил қилди. Демак, бу усулни беморлар қонини олиш, ташиш учун амалиётда қўллаш мумкин.

ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ ЙИРИНГЛИ ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ БАКТЕРИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Ёдгорова Н.Т., Муродова И.

Тошкент тиббиёт академияси

Юз-жағ соҳасидаги йирингли яллиғланиш жараёнлари оғир асоратларга олиб келмоқда, ҳаттоки ўлим билан тугаш ҳолатлари ҳам кўпаймоқда, бунга сабаб бактериялар тўпламининг ўзига хослиги ва антибиотикларга чидамлиги сабаб бўлмоқда. Антибиотикларга чидамли микроорганизмларнинг пайдо бўлиши юз-жағ соҳаси йирингли яллиғланиш касалликларининг қийин даволанишига ва жиддий асоратларнинг пайдо бўлишига замин яратади. Ишнинг мақсади. Юз-жағ соҳасидаги йирингли яллиғланиш касалликларида микроорганизмларнинг тўпламини ўрганишдан иборат. Материал ва усуллар. Текширув учун ТТА 2-клиника юз-жағ жарроҳлиги, ва нейрохирургия бўлимларидан турли юз-жағ соҳасидаги йирингли касалликлари билан даволанаётган 35 нафар беморлар танлаб олинди. Улардан 15 нафари (41%) аёл, 20 нафари (59%)эркак бўлиб, уларнинг ёши 19-60 (ўртача 32) ташкил қилади. Улардан 5 нафари кўз ости ва қовоқларда, 18 нафариди юқори ва пастки лабларда, 7 нафари пешона ва энса қисмида, 5 нафари пастки жағ соҳасида йирингли яллиғланиш жароҳатлари кузатилди, яъни абсцесс, флегмона, остеомиелит, периостит. Беморларнинг барчаси қабул вақтида клиник-лаборатор ва бактериологик текширувдан ўтказилди. Йирингли ўчоқлардан стерил тампон ёрдамида текширув учун материал олинди ва 2 соат ичида ТТА 2-клиникаси бактериологик лабораториясига олиб келинди. 5% Қонли агар, ТСТА, ШБ, Эндо, Сабуро мухитларига Гольд усулида экилди ва 24 соатга 37° С термостатга қўйилди. Текширув давомида аниқланган бактерияларнинг соф культураси ажратилди ва ферментатив,

Якупова Ф.М, Фазылов В.Х. ПРОФИЛАКТИКА ВЕРТИКАЛЬНОГО ПУТИ ИНФИЦИРОВАНИЯ ВИРУСОМ ГЕПАТИТА В	106
Ярмухамедова Н.А., Орипова П.О., Раббимова Н.Т., Муминова Ш.Ш. ОСОБЕННОСТИ КЛИНИЧЕСКОГО ТЕЧЕНИЯ ПНЕВМОКОККОВОГО МЕНИНГИТА	107
Ярмухамедова Н.А., Ярмухамедова М.К., Мустафаев А. СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ В ЛЕЧЕНИИ ХРОНИЧЕСКОГО ГЕПАТИТА С	107
Абдуллаев У.М., Алиев Ш.Р., Мирвалиева Н.Р. АДЕНОВИРУСЛИ ДИАРЕЯЛАРДА ИЧАК МИКРОФЛОРАСИ	108
Абидов З.И., Ахмедова М.Д. КАНАЛИ ҚАЙТАЛАМА ТЕРЛАМА КАСАЛЛИГИ ЎЧОҚЛАРИДА ЭПИДЕМИОЛОГИК ВА ЭНТОМОЛОГИК НАЗОРАТ	109
Аладова Л.Ю., Эргашев Б.М., Бегматов Б.Х. ВГВ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА ОИВ КОИНФЕКЦИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ	109
Алматов Б.И., Нуралиева Х.О. СУВ ОМБОРЛАРИ СУВИНИ МИКРОБИОЛОГИК ВА КИМЁВИЙ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	110
Ахмедова М.Д., Абдулхаков С.С., Ташпулатова Ш.А. СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ В БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ИЧАК МИКРОБИОЦЕНОЗИ ХУСУСИЯТЛАРИ	111
Ахмедова М.Д., Абидов З.И., Ғайбуллаев Ф.Х. НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ИЧКИ ЛЕЙШМАНИОЗ КАСАЛЛИГИНИНГ КЛИНИК-ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ	111
Ахранова С.Т. МИКОПАЗМА ФОНИДА РИВОЖЛАНГАН ЎТКИР ПНЕВМОНИЯДА БАКТЕРИОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ	112
Бердимуродов Б. П. КЛЕБСИЕЛЛА ВА ЦИТРОБАКТЕР ШТАММЛАРИНИНГ СУВДАГИ ЦИРКУЛЯЦИЯСИ	113
Джўраева К.С., Муминова Ш.Ш. АЙРИМ АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИ ОРАСИДА СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ В КАСАЛЛИГИ КЛИНИКО-ЭПИДЕМИОЛОГИК КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	113
Ёдгорова Н. Т. ТОШКЕНТ ШАХРИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ БОЛАЛАРНИНГ ИЧАК МИКРОФЛОРАСИНИ БАҲОЛАШ	114
Ёдгорова Н.Т., Жумамуродов С.Т., Мурадова И.А., Рахимжонова Г.А. «ҚУРУҚ ҚОН ТОМЧИ» УСУЛИНИНГ ОИВ-ИНФЕКЦИЯСИ ТАШХИСИДАГИ РОЛИ	115
Ёдгорова Н.Т., Муродова И. ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ ЙИРИНГЛИ ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ БАКТЕРИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ	115
Ёдгорова Н.Т., Орынбаева З.Н., Рахимжонова Г.А. ОИВ-ИНФЕКЦИЯСИ ВА ГЕПАТИТ С ТАШХИСИДАГИ «ҚУРУҚ ПРОБИРКА» УСУЛИНИНГ РОЛИ	116
Каримова М.Т., Ниязова Т.А., Кутлиева Д.Б., Каримова Ф.У. ЎТКИР ИЧАК ИНФЕКЦИЯЛАРИДА ЭНДОГЕН ИНТОКСИКАЦИЯ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ	116
Қодирова Н.Э., Ибадова Г.А. БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ БРУЦЕЛЛЁЗНИ РИВОЖЛАНИШИ ВА АВЖ ОЛИШ ЭХТИМОЛИНИ ОЛДИНДАН КЎРСАТИБ БЕРУВЧИ ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ АНИҚЛАШ	117
Кудияров И.А., Садуллаева Х.А., Алланазаров А.А. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНИНГ РАДИАЦИОН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАВЗУСИДАГИ ИЛИМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ	118
Маматхужаев А.С., Джураев М.Г. АНДИЖОН ШАҲАРИДА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАРНИ АҲОЛИ САЛОМАТЛИК КЎРСАТКИЧ ИНДЕКСИГА ТАЪСИРИ	118
Матназарова Г.С., Неъматова Н.Ў. ОИВ-ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ЭПИДЕМИОЛГИОК ХУСУСИЯТЛАРИ	119